

Бир ҳадис учун бир йил



14:00 / 27.04.2023 3443

Аллома Ибн Абдулбарр ўз санади билан Ғолиби Қаттон роҳматуллоҳи алайҳнинг бир воқеасини ҳикоя қилиб беради. Бундан уларнинг қанчалик илмга муҳаббатли ва илм талабида кўплаб машаққат чеккани, сабр қилганини, қолаверса, ҳар бир ҳадис ва масала нақадар қийинчилик билан бизгача етиб келганини билсак бўлади.

Ғолиби Қаттон роҳматуллоҳи алайҳ пахта савдоси билан шуғулланар эди. Бир бор тижорат юзасидан Кўфага сафар қилди. Бу сафардан мақсад фақатгина тижорат эди. Лекин Кўфага етиб келганида у ердаги ҳадис уламоларини кўриб, хазина топгандек хурсанд бўлиб кетди ва дарҳол улардан ҳадис эшитиб, илм олишга киришди. Ўша пайтларда машҳур муҳаддис Сулаймон Аъмаш роҳматуллоҳи алайҳ ҳадисдан дарс айтар эди.

«Устоз, Абу Муҳаммад бир йил тўлди, энди ўша ҳадисни менга айтиб беринг», дедим.

Имом Аъмаш роҳматуллоҳи алайҳ:

هَذَا حَدِيثٌ لِيُحَدِّثَ بِهِ لِكُلِّ مَسْئَلٍ مِنْ أَسْئَلِكُمْ فِي حَقِّهِ مَا يَكُونُ مِنْكُمْ مِنْهُ وَمِنْكُمْ مِنْهُ مَا يَكُونُ مِنْكُمْ مِنْهُ
يَدْعُو دَعْوَةَ يَدْعُو زَعُومًا لِكُلِّ لَوْ قَوَّيْ فِيمَا يَنْبَغِي لِمَا مَوَّيْ أَوْ بِحِصْبِ عَاجِئِي مَلَسَ وَ
عَنْ جَلِي دَبَعِ أَوْلِحْدَا دَعْوَةَ لِبِ يَفْوَنِمٌ قَحْ أُنَا وَيْلِي

«Абу Воил менга Абдуллоҳдан ҳадис сўзлади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қиёмат куни бўлганда

الطاسق لِبِ أَمِّيَاقِ مَلْعَلِ أَوْلُواوُ هَكَئِ الْمَلْ أَوْ وَهُ الْإِلَهَ الْهُنَّ أَلَلِ دَهَش
مِي كَحْلِ زِي نَعْلِ أَوْ الْإِلَهَ

оятини ўқиб юривчи кишини келтирилади. Шунда Аллоҳ таоло: «Бандам Мен билан аҳдлашди ва Мен аҳдга вафо қилишга энг ҳақли Зотман. Бандамни жаннатга киргизинглар», дейди» дедилар».

(Ибн Абдулбарр «Жамиъу баянил-илми ва фазлиҳи» китобидан)

Аллоҳ таолодан барчамизга ўз ҳузуридан комил илм ва ўрганганимизга амал қилишни, илм ва илм аҳлига муҳаббатли бўлишни сўраймиз.

Жалолиддин домла Ҳамроқулов